O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 3-iyul • Payshanba • 80 (27.885) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Бошлаган барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади битта — адолатли жамият барпо этиш».

МАҲСУЛОТ СИФАТИ ЯНАДА ОШАДИ

«Лечиво-Фармсаноат» Ўзбекистон — Чехия қўшма корхонаси негизида ташкил этилган «Amaliy-Medfarm» масъулияти чекланган жамияти Сирдарё вилоятидаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан.

— Асосий эътиборни ишга малакали кадрларни жалб этишга қаратганимиз ўз самараларини бермоқда, — дейди корхона раҳбари Дилфуза Абдушоҳидова. — Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз сифати ҳам, меҳнат унумдорлиги ҳам ошди. Ҳозирги кунда этил спирти, менавозин сингари ўнга яқин турда дори воситалари тайёрламоқдамиз.

Қирққа яқин малакали мутахассис меҳнат қилаётган корхонада 2006 йилда 143,3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич қарийб икки баравар кўпайди. Жорий йил корхона жамоаси учун янада самарали бўлаётир.

Корхона жамоаси яқинда қатор хорижий компаниялар билан замонавий технологиялар, лаборатория ускуналари сотиб олиш юзасидан шартнома имзолади. Техник ва технологик қайта жиҳозлаш маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш билан бирга, ўнлаб янги иш жойлари яратиш имконини беради.

Д.ЭСОНОВА,
ЎзА мухбири

«ХАЛҚИМИЗГА, ВАТАНИМИЗГА ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ!»

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил топган Олий ҳарбий божхона институти Марказий Осиёда ягона бўлиб, у юқори малакали божхона ходимларини тайёрлаб келмоқда.

Кеча олий билим даргоҳида битирувчиларга диплом топшириш ва уларни мустақил ҳаётга кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, ота-оналар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Давлат божхона қўмитаси раиси Садирхон Носиров, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Фарида Абдураҳимова ва бошқалар битирувчиларни қутлаб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдек масъулиятли ишларда уларга муваффақият тилашди.

— Биз тўрт йил давомида устозлардан илм олдик, замонавий техник воситалар асосида божхона ишининг кенг қамровли қирраларини ўргандик, — дейди ёш мутахассис Моҳичеҳра Тўқсонова. — Энди олган билим ва кўникмаларимизни амалиётда қўллаб, халқимизга, ватанимизга сидқидилдан хизмат қиламиз!

Тадбирда иштирок этган ота-оналар ҳарбий кийимлардаги фарзандларини кўриб, ғоят фахрланишаётганини айтиб, уларга таълим берган устозларига миннатдорчилик билдиришди.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати

Суратда: битирувчилардан бир гуруҳи.
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ХОРИЖ МАТБУОТИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар хорижий оммавий ахборот воситалари диққат-марказида турибди.

Мамлакатимизга бағишланган мақолаларнинг аксариятида Ўзбекистон мустақиллик йилларида тараққиётнинг миллий моделини босқичма-босқич амалга ошириб, жаҳон ҳамжамиятининг нуфузли аъзосига айлангани, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда салмоқли ютуқларга эришгани таъкидланади.

Таиланднинг нуфузли нашрларидан бири «Бангког Тудэй» газетасининг икки сонида жорий йил ой ойида юртимизда бўлиб қайтган бир гуруҳ таиландлик журналистларнинг туркум мақолалари эълон қилинган. Журналистлар Ўзбекистоннинг бой тарихи ва маданияти хусусида тўхталиб, мазкур замин асрлар давомида Буюк ипак йўлининг турли минтақаларини ўзаро боғловчи кўприк вазифасини ўтаб келганини таъкидлайдилар.

«Карвон йўлларининг муҳим чорраҳасида жойлашган Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари эса кўплаб тарихий ёдгорликларни ўз бағрига олган бўлиб, улардаги ёш меъморлар ўз ота-боболарининг ишини ҳозирги кунга қадар ҳам муносиб давом эттириб келмоқда», — деб ёзади журналистлар.

Польшада нашр этиладиган «Восточные дела» журнали «Цивилизациялар чорраҳасида» сарлавҳаси остида юртимизга бағишланган мақолани эълон қилди. Унда муаллифлар ўқувчиларни нафақат Ўзбекистоннинг кўп асрлик тарихий ва маданий мероси, балки келгуси йили 2200 йиллик юбилейини нишонлайдиган Тошкент шаҳри билан ҳам таништиради.

Мақолада ёзилишича, «Ўзбекистон тўғрисида гапирганда, нафақат унинг диққатга сазовор жойлари, балки бой маданият ва қадимий анъаналарга кўрсатилаётган эътибор ҳақида ҳам алоҳида айтиб ўтиш ўринли бўлади».

Хорижий матбуот нашрларида, шунингдек, мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Покистоннинг «Balochistan Today» журналидаги мақолаларда 2008 йил Ўзбекистонда Ёшлар йили деб эълон қилингани айтиб ўтилган.

Муаллифлар «аҳолисининг 65 фоизини болалар ва 30 ёшгача бўлган ёш авлод вакиллари ташкил этадиган мамлакатда моҳиятан олганда, ҳар йилни ёшлар йили, деб аташ мумкин», дея таъкидлайди.

Ёшлар йилида ёш авлод манфаатларини таъминлашга қаратилган кўплаб масалалар ўз ечимини топмоқда, — дейилади мақолада. — Масалан, таълим доирасидаги миллий давлат дастурларининг ижроси ўзининг янги босқичига кўтарилди. Бунда кадрлар тайёрлаш ҳамда мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган миллий дастурлар назарда тутилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув муассасаларида таълим жараёнларининг сифати ва самарадорлигини ошириш муҳим вазифа сифатида белгилаб қўйилган».

Хорижий оммавий ахборот воситаларидаги мақолалар халқимизнинг бой маданий-тарихий мероси ҳамда юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ўрганишга бўлган катта қизиқишдан далолат беради.

«Жаҳон» АА.

ЎзХДП ҳаёти

ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси яқинда «Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят ва Тошкент шаҳар ташкилотларининг партия аъзолари ва электорати орасида мафкуравий тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича фаолияти тўғрисида» қарор қабул қилди. Айтиш жоизки, мафкуравий йўналишдаги ишларни такомиллаштириш, электорат орасида олиб борилаётган тарғиботташвиқот самарадорлигини ошириш борасида мазкур партия ташкилотлари муайян тажриба тўплади. Мафкуравий тадбирларнинг сифати, савияси ва таъсирчанлигини таъминлайдиган ёш кадрлар захираси шаклланаяпти, бу борада фаоллар, тарғиботчилар, экспертлар, ХДПдан сайланган депутатлар имкониятларидан кенг фойдаланилаяпти.

Минтақавий партия кенгашларида сиёсий ва фуқаролик маърифати ўқувларини мунтазам ва юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган. Машғулотлар мавзулари, муҳокамага қўйилаётган масалалар олдиндан эълон қилиниши суҳбат ва мулоқотларнинг қизиқарли, қатнашчиларнинг фаоллигида ўтишига хизмат қилаяпти. Электорат вакилларини уларга кенгроқ жалб этиш мақсадида машғулотлар бевосита аҳоли истиқомат жойлари, бошланғич партия ташкилотлари негизида ташкил этилаяпти. Жорий ўқув йилида бўлиб ўтган семинарларда Тошкент шаҳар ва туман кенгашларининг 7000 нафардан зиёд фаоллари ва электорат вакиллари иштирок этди. Фарғона вилоятида бу кўрсаткич 6300 нафарни ташкил этди.

Электорат билан ишлаш, уларнинг кайфияти ва долзарб муаммоларини ўрганиш, партия сиёсатини тушунтиришда ЎзХДП кенгашларида тузилган тарғибот гуруҳлари алоҳида ҳисса қўшмоқда. Улар аҳоли истиқомат жойлари, ўқув юртлари, корхона ва ташкилотларда ўтказаётган турли оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирлар партия ташкилотларини электорат билан янада яқинлаштирмоқда. Тошкент шаҳрида 2007 йилда ўтказилган шундай тадбирларда электорат вакилларидан 36260 нафар, жорий йилнинг беш ойида 21285 киши, Фарғона вилоятида 2007 йилда 25272 нафар ва жорий йилда 8000 дан ортиқ фуқаро қатнашди. Электорат орасида оммавий-сиёсий, маданий-маърифий тадбирларни ўтказишда партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотлар ижтимоий шериклар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилаяпти, ҳомийларни жалб этаяпти, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланаяпти.

2-бет

Мустақиллик — менинг тақдиримда

ОЗОД ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ

Қишлоқда яшаётган оддий фуқароман. Расмиятчилик, баландпарвоз гапларни ёқтирмайман. Лекин Истиқлолнинг тақдиримга таъсири тўғрисида кўп ва хўп гапиришим мумкин. Очиғи, Мустақилликка қадар кўп жойларда ишлаганман. Афсуски, қанчалик тер тўкиб, жонимизни жабборга бермайлик, сира косамиз оқарган эмас.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ фермерликка қўл урдим. Олдин 20 гектар, кейин 100 гектар ерга эгалик қилдим. Болаларим, ака-укаларим билан енг шимариб ишладик. Аста-секин биримиз икки бўла бошлади, топганимизга барака кирди.

Озод юртнинг бир деҳқони, фермери, фуқароси сифатида қаддимни тиклаб олдим. Даромадимиз ҳам кун сайин ошиб борди. Ўтган йили эса яна бир ишга қўл урдим. Тошкент шаҳрида ўтказилган «Узагроминитех» кўргазмасида қатнашиб, Исроил мамлакатининг «MARAV TECHNOLOGIES FOOD Ltd» фирмаси билан шартнома тузидим. «Пахта банк»дан 108 миллион 109 минг сўм кредит олиб, фермер хўжалигим қошида минизавод қурдим. Айни пайтда Ойбек қишлоғида истиқомат қилувчи 32 киши шу корхонада ишлаяпти. Ҳар кеча-кундуз 1000 литр сутни қайта ишлаш ҳисобига 9 турдаги сут ва сут маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Ўзингиз ўйланг: Истиқлол бўлмаганида, шу ишлар амалга ошармиди? Олдинлари ер эгаси, тадбиркор, мулкдор бўлиш ҳақида ўйлаш ҳам мушкул эди-ку! Шунинг учун ҳам: «Мустақиллик — менинг борлиғим, шон-шуҳратим, эркин ва фаровон келажагим гаровидир», — деб баралла айтгим келади.

Дўстмурод ҚОДИРҚУЛОВ,
Дўстлик туманидаги «Уста Сафар» фермер хўжалиги раҳбари,
ЎзХДП аъзоси.

Испаниядан хушхабар

АГРОФИРМАГА ХАЛҚАРО МУКОФОТ

Навоий кон-металлургия комбинатига олис Испаниядан хушхабар келди. Комбинатга қарашли «Дўстлик» агрофирмаси энг сара ва сифатли маҳсулотлари учун халқаро кўрик-танловда ғолиб деб топилиб, олтин нишонга сазовор бўлди. Соврин ва унинг дипломи Мадриддаги «Мелия Кастелия» меҳмонхонасида бўлиб ўтадиган жаҳон экспертлари ва сертификат қўмитаси анжуманида тантанали суратда топширилади.

Энг сара олтин, кумуш, пахта ва пиллага бериладиган бундай нуфузли мукофот эндиликда табиий ҳолда етиштирилаётган ва сифатли қадоқланаётган сут ва сут маҳсулотлари, мева ҳамда узум шарбатларига ҳам берилиши чиндан-да қувончли воқеа.

Агрофирмадаги ҳар куни ўртача 5 тонналик сутни қайта ишлайдиган завод бугунги кунда қадоқланган сут, қаймоқ, қатиқ, пишлоқ, сарёғ, қотирилган сузма-чакки ишлаб чиқаради. Шунингдек, турли мевалардан турфа шарбатлар, ҳатто қовун ва тарвуз мураббоси, узум мусалласи тайёрлаш ҳам йўлга қўйилган. Эрта-индин фирмада ошқовоқ ва табиий асалдан ҳам қадоқланган маҳсулотлар тайёрлаш, Малик Работ узумидан сифатли майизлар қуритиш жараёнлари ҳам йўлга қўйилади.

Музаффар ШАРОПОВ

«Саломатлик-2» лойиҳаси ўзини оқламоқда

Сўх тумани Фарғона вилоятининг энг чекка ҳудудларидан бири ҳисобланади. Кейинги йилларда бу ерда кўплаб замонавий тиббиёт масканлари барпо этилди. Хусусан, 10 та қишлоқ врачлик пунктларига «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди.

— Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга интилмоқдамиз, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи Суҳробжон Асқаров. Ўтган йили марказий шифохона, туғуруқхона бутунлай қайтадан таъмирланди. Шошилинч тез тиббий ёрдам маскани замонавий асбоблар ва автомобиллар билан таъминланди.

Суратда: *туман Шошилинч тез тиббий ёрдам ҳамшираси Дилрабо Султонниёзова.*
М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.

ЭНГ МАҚБУЛ ЙЎЛ ДОИМИЙ ИШ ВА БАРҚАРОР ДАРОМАДДИР

ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонун, фармон, қарорларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик мониторингини олиб бориш масаласига бағишланган давра суҳбатида ана шундай хулосага келинди

ЎЗМИЛЛИЙБАНК СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ:

12 ЙИЛЛИК ТАРАҚҚИЁТ

КАЛАВАНИНГ УЧИ БОР, ОХИРИ-ЧИ?

уни ким, қачон топади?

2
3
4

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялан

ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ИШЛАШ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ижроия қўмита қарорида Фарғона вилоят ва Тошкент шаҳар партия кенгашларининг мазкур соҳадаги ижобий ишларини қайд этиш билан бирга, улар фаолиятида айрим камчилик ва фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, баъзи ҳолларда мафкуравий тадбирларда иштирок этаётганларнинг аксарияти доимий қатнашчилар бўлиб қолмоқда, бевосита электорат, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи фуқаролар орасида уюштирилаётган оммавий-сиёсий тушунтириш ишлари етарли эмас. Айрим туманларда электорат билан ишлаш, уларнинг сиёсий мойиллиги, долзарб муаммоларини таҳлил этиш, тарғибот-ташвиқот ишларнинг таъсирчанлигини ўрганиш масалаларига эътибор суст. Партия сайланма органлари аъзолари ва депутатларининг бир қисмигина бу ишларга жалб қилинмоқда. Ўзбекистон ХДП кенгашлари ҳузурида тузилган Ахборот-ресурс марказларини мафкуравий ишларнинг ҳақиқий таянчига айлантириш борасидаги ишлар якунига етмаган туманлар мавжуд. Кўргазмали тарғибот ва сиёсий реклама воситаларидан фойдаланишда қатъий режалар ва тизимлилик етишмайди. Ўзбекистон ХДП марказий матбуот нашрларига обунани ташкил этишга айрим туман партия кенгашлари раҳбарлари масъулият билан жиддий ёндашмаяпти.

Шундан келиб чиқиб, қарорда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар кенгашларига Тошкент шаҳар ва Фарғона вилоят партия ташкилотларида ушбу соҳада тўпланган тажрибадан фойдаланиб, тарғибот-ташвиқот ишларини тизимли тарзда олиб бориш, уларнинг самараси, таъсирчанлигини оширишга эътиборни янада кучайтириш, кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш топширилди. Бу ишларда партия сайланма органлари ҳамда тарғибот гуруҳлари аъзолари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаоллари, ХДПдан сайланган депутатлар, экспертлар, фахрийлар, Жамоатчилик қабулхоналари, партия матбуот нашрлари имкониятларидан кенг фойдаланиш, ижтимоий шерик ташкилотлар, ҳомийларни кўпроқ жалб қилиш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЎзХДП ҳаёти

ЭНГ МАҚБУЛ ЙЎЛ ДОИМИЙ ИШ ВА БАРҚАРОР ДАРОМАДДИР

ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши ташаббуси билан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қонун, фармон, қарорларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик мониторингини олиб бориш масаласига бағишланган давра суҳбатида ана шундай хулосага келинди

Унда шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотлари, депутатлик гуруҳлари ҳамда бошланғич ташкилотлар етакчилари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Партия вилоят кенгаши раиси Парда Юлдошев ўтган беш ой ичида бу борада амалга оширилган ишлар, партиямизнинг шаҳар ва туман кенгашлари, бошланғич ташкилотлари электорат, айниқса ёшларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоялашга доир олиб борилаётган ишлари, ютуқлар ҳамда камчиликлар хусусида ахборот берди. Шундан сўнг мавзу юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди, таклифлар айтилди.

Неъмат БЕРДИҚУЛОВ, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

— Аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий муҳофазалаш муҳим, вазифа. Бу борада ҳукуматимиз олиб борётган сиёсат, кенг кўламли ишлардан ҳаммамиз яхши хабардормиз. Лекин фикримча, бу борадаги қарорлар бажарилиши устидан назоратни кучайтирмоғимиз лозим. Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги нафақа тайинлайдиган комиссиялар ишидаги холисликни доимий таҳлил этиб бориш талаб этилади. Шунингдек, меҳнатга лаёқатли аҳолининг тўлиқ бандлигига эришиш, очиқ ва яширин ишсизлик ҳолатларини аниқлаш, қишлоқ инфратузилмасини, халқ ҳунармандчилигининг ҳамма йўналишларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш орқали одамларнинг, айниқса, ёшларнинг доимий даромад манбаларига эга бўлишларини таъминлаш бўйича ҳам мунтазам мониторинг ўтказишни изчил йўлга қўйишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаяпти. Албатта, бу партия ташкилотлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Нормурод МАНСУРОВ, Жиззах шаҳридаги «Маданият» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Маҳалламизда 5500 нафар аҳоли — 1335 та оила истиқомат қилади. Йил бошидан бери бизга ижтимоий кўмак сўралган 128 та ариза тушди. Шундан 125 тасини ижобий ҳал қилдик, 3 таси эса комиссия томонидан рад этилди. 2 та кам таъминланган оилага бир бошдан болали сигир берилди. Келгусида бундай оилаларни парранда билан таъминлашга кўмаклашамиз. Шундай қилсак, унинг самараси яхши бўлади, энг муҳими, кўпроқ оилага ёрдамимиз тегади.

Ҳайдар ҲУСАНОВ, «Жиззахпластмасса» ҳиссадорлик жамияти раиси, ЎзХДП фаоли:

— Моддий ёрдам, нафақа... булар давлатимизнинг фуқароларга ғамхўрлиги, албатта. Аммо муҳтожларга доимий иш ва барқарор даромад зарур. Маълумки, янги иш ўринлари яратиш осон эмас. Бунинг учун сиёсий партия сифатида нима қилишимиз керак? Менимча, аввало шаҳар ва туман Кенгашларидаги партиямиз депутатлик гуруҳлари фаолларимиз ва бошланғич ташкилотларимиз олиб бораётган жамоатчилик мониторинги асосида сессияларда аниқ ташаббус ва таклифлар билан чиқишлари керак. Шунда бизни эшитадилар ва бизга таянадилар.

Акром ИНОМОВ, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Биз сиёсий куч сифатида кўпроқ жамоатчилик кўмагига, ижтимоий шерикларимиз — касаба уюшмалари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари, ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ташкилотлари ва бошқаларга таянишимиз лозим. Албатта, туман, шаҳар ҳамда вилоят Кенгашларига партиямиздан сайланган депутатларга катта масъулият юкланган, Бироқ сайловчиларнинг ҳаётий манфаатларидан келиб чиқиб, сессияларда кўпроқ фаоллик, ташаббускорлик кўрсатиш, мутасаддилар олдига масалаларни қўйишда биз қатъиятлироқ бўлишимиз лозим.

Давра суҳбатида аҳолини ижтимоий муҳофазалашга доир қонунларнинг жойлардаги ижроси юзасидан мунтазам мониторинг олиб боришда партия Жамоатчилик қабулхоналари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик тузилмалари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотлари, бошланғич ташкилотлар, фаолларнинг иштироки масалаларига алоҳида урғу берилди. Шундан келиб чиқиб, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида ҳам партиянинг Жамоатчилик қабулхоналарини ташкил этиш лозимлиги айтилди. Бу айниқса, ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар арафасида жуда муҳим экани эътироф этилди.

Тадбир якунида ЎзХДПга янги қабул қилинганларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Муносабат

АДОЛАТНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИ

Адолатпарварлик бу инсоннинг ўткир ақл, соф мулоҳаза, тоза кўнгил эгаси, олижаноб ва мардлигини кўрсатиб турувчи фазилатдир. Дунёда адолатпарварликдан кўра кўркамроқ ҳулқ ва табиат йўқ ва ундан кўра, шарафлироқ хислат, иқбол, таъсирлироқ наф қилувчи нарсани топиш амримаҳол. Адолатли бўлиш, бу сўзида туриш, қатъийлик демакдир. Адолатли киши соғлом бўлади, ғам-хатар ва кулфат ундан юз ўгиради. Одамларнинг ишончли кишисига айланади.

Адолатли бўлиш бу адабнинг устуни, инсонийликнинг асоси ҳисобланади. Адолатли айтилган Сўз айтгувчига ҳам, эшитувчига ҳам манфаат етказади. Тўғри сўзлаб ўлмоқ, ёлғон гапириб қутулмоқдан афзал. Тўғрилик яхшилик сари етаклайди, яхшилик эса адолатга етказади.

Буюк аждодларимиз Адолат ҳақида кўп ҳикматларни айтишган. Амир Темур бобомизнинг «Куч — адолатда!» деган пурмаъно сўзлари асрлар ўтгани сайин ўз ҳақиқатини баландроқ намоён этмоқда. Мир Алишер Навоий ҳазратлари адолатнинг буюк қудратини кўрсатиб, давлат бошқарувчиларини бундан ибрат олишга чақиради:

Ки адл ичра ўтганда бир соате,
Эрур беҳҳи, жинни башар тоате.

Яъни, адолат билан ўтган бир соат вақт бутун жинлар ёхуд париларнинг биргаликда қилган тоат-ибодатидан ҳам афзал. Шоир адолат бобидаги фикрларини ривожлантириб, яна шундай деган эдилар:

Адл ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила одам элини шод қил.

Буюк тарихчи олим Алишер Навоийнинг замондоши Хондамир: «Макоримул ахлоқ» асарида Алишер Навоий ҳақида «... адолат ва инсоф эшикларини инсоният юзига очиб қўйди», — деб шоирга юқори баҳо беради.

Инсон камолотини кўрсатувчи улуғ фазилатлардан ҳисобланган адолат тушунчаси ва адолат туйғуси Мир Алишер Навоий донишмандлигининг асосини ташкил этади. Онгнинг мавжудлиги — адолатнинг мавжудлиги. Адолатсиз онг бу онг эмас. Инсоният тириклигининг давомийлигини таъминлайдиган бирдан-бир манба ҳам адолат. Алишер Навоий тафаккур дунёсининг бош мезони ҳам адолат бўлган. Барчага баробар манфаатли адолат устувор бўлганида мамлакат ва унинг фуқаролари фаровонликка эришиши Алишер Навоийнинг орзуси эди. Шу боис шоирнинг адолати инсонпарварликнинг энг юқори намунаси эди.

Буюк боболарнинг ана шундай турфа хислатлари бугун авлодлар қонида жўшмоқда. Алломалар, донолар ҳикматига амал қилаётган юртимизда адолат машъаласи баланд кўтарилиб, унинг мунаввар ёғдуларидан халқимиз баҳраманд бўлмоқда, тинч ва осойишта ҳаёт кечирмоқда.

Мамлакатимизда адолат тамойилларини қарор топтиришга қанчалик катта эътибор берилаётганини ўз кўзимиз билан кўриб, гувоҳ бўлиб турибмиз. Мустақиллик йилларида яратилган янги қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари асосида инсон манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган ишлар бунга ёрқин мисолдир. Жумладан, Юртбошимизнинг 2005 йил 1 августда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари адолатни таъминлаш борасидаги улкан қадам, инсонпарварлик намунаси бўлганини дунё эътироф этмоқда. Президентимизнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ишлар изчил амалга оширилиб борилаётганига яна бир яққол мисолдир. Таъбир жоиз бўлса, мамлакатимиздаги буюк ўзгаришлар, ютуқларнинг бош омили юртимизда адолат тамойилларига изчил амал қилинаётганидадир.

Абдурахмон Жомий ҳазратлари ёзганларидек:

Адл мамлакатга бўларкан меъмор,
Бошқа ҳеч бир нарса эмасдир даркор.

Азиз ЮНУСОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист.

2008 йил – Ёшлар йили

ЯНГИ УЙ-ЖОЙЛАР

Мамлакатимизда ёшларга ғамхўрлик қилиш ва уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эса бу борада асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни кунларда самарқандлик ёшлар ҳам ипотека ва истеъмол кредитлари олиб, давлатимиз ғамхўрлигидан баҳраманд бўлишмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллик байрами арафасида 100 га яқин ёш оилалар янги уй-жойлар билан таъминланади.

Жумладан, шу кунларда Самарқанд шаҳрида ҳар бири 32 хонадондан иборат иккита ва Каттақўрғон шаҳрида битта кўп қаватли уй қурилиши давом этмоқда.

«Ипотека» акциядорлик тижорат банкининг Самарқанд вилоят филиали ва «Ўзсаноатқурилишбанк» вилоят минтақавий филиали маблағи ҳисобига барпо этилаётган бу уйлар ёш оилаларга узоқ муддатли, имтиёзли ипотека кредитлари асосида берилади.

— Ҳозиргача Самарқанд шаҳри Ибн Сино кўчасида бунёд этилаётган уйнинг 70 фоиз қурилиш ишлари бажарилди, — дейди бош пудратчилардан бири «А» «Камила» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси иш бошқарувчиси А.Сатторов. — Бу ерда иш икки сменада олиб борилмоқда. Икки ва уч хонали бу уйлар ёш оилалар учун ҳар жиҳатдан қулай, барча шарт-шароитларга эга бўлади.

Шаҳризода ҒУЛОМЖОНОВА

Суратда: *иш бошқарувчи (ўнгда) Абдусалим Сатторов ва ишчи Тоҳир Кенжаев.*

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Қинғир иш — келтирар ташвиш

ТАРТИБ БУЗИЛМАСА...

Мамлакатимизга четдан товар олиб келиш бўйича тегишли тартиблар белгиланган. Мақсад истеъмолчилар манфаатини кўзлаб, ички бозоримизни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш. Шу маънода Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳужжат жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш ва юкларни божхонада расмийлаштириш тартибини соддалаштириш мақсадида қабул қилинган.

Шунингдек, жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган товарлардан қўшилган қиймат солиғи, божхона божлари ва йиғимлар ўрнига *ягона божхона тўлови* тўлашни назарда тутувчи божхона тўловлари ундиришнинг *соддалаштирилган тартиби жорий этилган.* Фақат жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган акциз солиғи солинадиган товарларга амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ставкалар бўйича акциз солиғи солиш кўзда тутилган.

Ушбу қарорга асосан, юридик шахс ташкил этмасдан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ва чакана савдо қилиш ҳуқуқи якка тартибдаги тадбиркор сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар томонидан олиб келинган товарларни сотиш товарларнинг Ўзбекистон Республикаси *ҳудудига олиб кирилганлигини ва божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.*

Давлат солиқ қўмитаси Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прократураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг мансабдор шахсларига импорт қилувчи жисмоний шахсларда тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигини *режадан ташқари текшириш ҳуқуқи берилган.* Тегишли ҳужжатлар мавжуд бўлмаган *тақдирда товар мусодара қилинади.*

Туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ушбу қарор ижроси юзасидан шу йилнинг беш ойида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўтказилган рейд текширишлари натижасида туман ҳудудига ноқонуний йўллар билан олиб кирилган 22260,0 минг сўмлик, шундан 4462,3 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 17797,5 минг сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳуқуқбузарлардан олиб қўйилди.

Фуқаро Камолиддин Пармонов 10000 метрлик 2500,0 минг сўмлик монтаж симларини, Аброр Пирматов 294 кг 882,0 минг сўмлик бўлган товуқ оёқларини, И. Алимов ва Н.Мирзаевлар эса 2150,0 минг сўмлик ёзги бош кийими ва оёқ кийимларини ноқонуний сотиш мақсадида олиб келаётганлигини аниқлаб, улардан ушбу товар моддий бойликлари вақтинча олиб қўйилди. «Юк» эгаларига эса қонуний чора кўриш учун ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Амалдаги тартиб-қоидаларни бузганлар қонун олдида жавоб беради. Тўғри, ҳалол йўл тутганларнинг эса иши юришади, топгани баракали бўлади.

Фахриддин СРАЖЕВ, Юқори Чирчиқ туман ДСИ бўлим бошлиғи.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, ФАРҒОНА ШАҲАР МУДОФАА ИШЛАРИ БЎЛИМИ

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ОБЪЕКТ НОМИ:
«ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, ФАРҒОНА ШАҲАР, УСМОНХОДЖАЕВ КЎЧАСИДАГИ МУДОФАА ИШЛАРИ БЎЛИМИ БИНОСИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ» ҚМИ.

Муддати — 7 ой.

Буюртмачи: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар мудофаа ишлари бўлими.

Манзили: Фарғона шаҳар, Усмонходжаев кўчаси, 2-уй тел: 226-55-53.

Қурилиш-монтаж ишлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

РЕСПУБЛИКА УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ «ОЛТИАРИҚ» СИҲАТГОҲИ

ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ОБЪЕКТ НОМИ:
«ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, ОЛТИАРИҚ ТУМАНИ, ҚИЗИЛ-ТЕПА ҚИШЛОҒИДАГИ «ОЛТИАРИҚ» РЕСПУБЛИКА УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ СИҲАТГОҲИНИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ»

Муддати — 01.10.2008 й.

Буюртмачи: — Республика уруш ва меҳнат фахрийлари «Олтиариқ» сиҳатгоҳи.

Манзили: Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Қизил-тепа қишлоғи, телефон/факс: 432-04-84, 432-10-82.

Қурилиш-монтаж ишлари Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: **Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

ЎЗМИЛЛИЙБАНК СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ: 12 ЙИЛЛИК ТАРАҚҚИЁТ

Мамлакатимиз банк тизимида чакана ҳисоб-китобларнинг мутлақо янги шакли пайдо бўлганига 12 йилдан кўпроқ вақт ўтди. 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки тўлов муносабатларида доимий фойдаланиб келинган механизмга инновацион технология — сўм пластик карточкалар асосидаги электрон ҳисоб-китобларни биринчи бўлиб олиб кирган эди.

Агар давлатнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши бўлмаганида, республика пул муомаласи тизимига янги тўлов воситасини олиб киришнинг ҳам имкони бўлмасди. Зеро, давлат янги ҳисоб-китобларни ривожлантиришнинг оқилона ва истиқболли лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиб, бугунги кунда банклар ўзаро рақобатлашишлари учун тенг шарт-шароитни таъминлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 24.09.2004 йилдаги 445-сонли Қарори, Президентимизнинг 17.04.2006 йилдаги ПҚ-325 сонли, 3.08.2006 йилдаги ПҚ-433 сонли ва 07.11.2007 йилдаги ПҚ-726 сонли Қарорларига мувофиқ қабул қилинган комплекс чора-тадбирлар дастурида пластик карточкаларни оммалаштириш ҳамда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасига жорий этиш юзасидан 2010 йилга қадар амалга оширилиши керак бўлган аниқ хатти-ҳаракатлар белгилаб қўйилган.

Қўйилган мақсадларга эришиш ҳамда бунда хизмат кўрсатишнинг халқаро андозаларига мувофиқликни таъминлашга интилиб, Ўзбекистон банклари ўз сармоясининг миқдори ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳозирги кунда чакана мижозлар учун ҳам, корпоратив мижозлар учун ҳам тўлов пластик карточкаларини чиқармоқда. Муомалага чиқарилган карточкалар умумий ҳажмининг деярли 30% (1,2 млн. дона) Миллий банк улушига тўғри келади. Бу карточкалар эгалари корхоналар ва ташкилотлар, жумладан, бюджет ташкилотларининг ходимлари, талабалар ва ўқувчилар, қоларверса, республикамизнинг оддий фуқароларидир.

Буларнинг ҳаммаси 1994 йилда — республикада миллий валюта — сўм муомалага киритилган вақтдан бошланди. Ўшанда Миллий банк мамлакатда биринчи бўлиб муомалага маҳаллий пластик карточкаларни чиқариш масаласини ишлаб чиқа бошлади. У пайтларда жаҳонда магнит тасмали карточкалардан фойдаланиш борасида тўпланган тажриба улар фирибгарликдан яхши ҳимояланмагани, бу ҳолат эса жиддий эътирозларга сабаб бўлаётганлигини кўрсатган эди. Бунинг устига, мазкур турдаги карточкалар ривожланган телекоммуникация тармоқлари бўлишини талаб қиларди. Шу боис, Миллий банк карточка эгасининг банкдаги ҳисобварағида турган қолдиқ доирасида фойдаланиш мумкин бўлган микропроцессорли сўм карточкаларни муомалага чиқариш тўғрисида қарор қабул қилди.

Шу вақтдан бошлаб республикада микропроцессорли сўм карточкаларни чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш асосидаги нақд пулсиз чакана тўловлар дастури «ҳаётга йўлланма» олди. Бу соҳада биринчи бўлиб иш бошлаган Миллий банк ушбу лойиҳани 1996 йилнинг апрель ойида амалга ошира бошлади.

Миллий банк фойдаланган юқоридаги карточкаларни чиқариш ҳажмларини кенгайтириш йўлларидан бири иш ҳақи лойиҳаларини амалга ошириш эди. Ҳозирги кунда бундай лойиҳалар сони 2265тага етди. Шулардан 324таси жорий йилда амалга оширилди. Корхоналар раҳбарлари меҳнат ҳақини нақдсиз шаклда беришнинг асосий афзаллиги — нақд пулни ташиш, сақлаш ва бериш билан боғлиқ хатарлар ҳамда чиқимлар камайишини реал баҳолаяптилар, ходимлар эса, ўзлари учун қулай бўлган ҳар қандай вақтда керакли суммани карточкадан чиқариш, айни пайтда ҳисобварақда турган маблағ қолдиғи бўйича фоизлар кўринишида даромад олиш имконига эга бўлмоқдалар. Ходимларнинг хоҳишига кўра, улар оладиган ҳар қандай пулли даромадларни шу ходимларнинг карточка ҳисобварақларига ўтказиш мумкин. Ҳозирги вақтда корхона-ташкилотларнинг 300 мингдан зиёд ходимлари ўз меҳнат ҳақларини олишнинг улар учун шундай қулай усулини танлаганлар. Зарурат бўлганда Миллий банк йирик корхоналар ҳудудида карточкалар бўйича нақд пул бериш учун банкоматларни жойлаштираяпти, шунингдек, энг яқин дўконлар ва хизмат кўрсатиш пунктларида терминаллар ўрнатаяпти.

Ҳисоб-китобларнинг бундай воситаси эгалари сони кўпайгани сайин, Ўзмиллийбанк ҳам карточкаларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини тезкор суръатлар билан ривожлантирди. Ҳозирги вақтда мазкур инфратузилма савдо-сервис корхоналарида ўрнатилган 2,8 мингдан зиёд ҳамда банк муассасалари ва ихтисослаштирилган кассалардаги 100дан ортиқ терминалларни, операцион залларда ҳамда банк билан иш ҳақи лойиҳалари тўғрисида шартномалар тузган корхоналар ва ташкилотлар ҳудудида ўрнатилган 97 бирликдан иборат банкоматлар тармоғини, гуруҳли ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш марказларини ўз ичига олган.

Олиб борилаётган ишлар 2001 йилда ташкил этилган банкларароро тўлов тизимининг имкониятларини кенгайтиришда ёрдам бераяпти. Ўша вақтда Миллий банкнинг чакана хизматлар соҳасидаги, жумладан, сўм пластик карточкалар чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш борасидаги инновацион қарорлари Ўзбекистоннинг бошқа тижорат банклари орасида ҳам кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. 2001 йилнинг май ойида сўм пластик карточкалар бўйича ҳисоб-китоблар банкларароро тизими (ҳозирда – «UZKART» Ягона Банкларароро Тўлов Тизими) ишлай бошлади. Бу тизим Ўзмиллийбанк ташаббуси билан ва «Асакабанк» ва «Пахтабанк»нинг иштирокида ташкил этилди. Бу банкларнинг ҳаммаси банкларароро тизимда қатнашувчи бошқа банклар чиқарган карточкалар бўйича ҳам хизмат кўрсата бошладилар. Бу ҳолат мазкур банк маҳсулотининг аҳоли учун жозибадорлигини оширди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг Банкларароро тўлов тизимига 18та банк қўшилган. Улар орасида Миллий банк ҳисоб-китоб банки функцияларини бажараяпти.

Пластик карточка эгаси бўлган мижозларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаси доимий равишда кенгайиб бораётганлиги пулли ҳисоб-китоблар тузилишига ҳам жиддий ўзгаришлар киритаяпти. Ҳозирги кунда Миллий банк нақд пулсиз чакана ҳисоб-китоблар тизимини жорий этишнинг асосий ғоясини амалга оширишга муваффақ бўлди. Пластик карточкалар воситасида ўтказилган операциялар умумий ҳажмида савдо-сервис тармоғида бажарилган операциялар улуши шу йилнинг 1 июнидаги ҳолатга кўра 64%ни ташкил этди. Уларнинг фақат 36% нақд пул олиш операцияларига тўғри келди. Россия оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотга кўра, у ерда операциялар умумий ҳажмида карточкалар бўйича нақд пулсиз бажарилган операциялар улуши атиги 10%ни, карточкалардан нақд пул бериш операциялари эса 90%ни ташкил этган. Пластик карточкалар воситасида бажарилаётган ҳисоб-китобларнинг шаффофлиги туфайли улар жорий этилиши пул маблағлари банкдан ташқарида айланиши каби ҳозирча мавжуд бўлган ҳолат қисқаришида ҳам ёрдам бермоқда.

Ҳисоб-китобларнинг пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилишида савдо-сервис корхоналарига солиқ имтиёзлари берилганлиги уларнинг карточкалар эгаларига хизмат кўрсатишдан манфаатдорлигини оширди. Ҳозир фақат Миллий банк томонидан 2.673та чакана савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарида, жумладан супермаркетлар, дорихоналар, автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчалари, уяли алоқа компаниялари, умумий овқатланиш нуқталари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари билан савдо қилувчи дўконлар, тиббий клиникалар, кимёвий тозалаш корхоналари, автосалонларда терминаллар ўрнатилган бўлиб, уларда сўм карточкалар тўлов воситаси сифатида қабул қилинмоқда.



Бундай корхоналар сони кўпайиши, тегишлича пластик картчокалар воситасида бажарилаётган нақд пулсиз операциялар ҳажми ортишига олиб келди ва бу ҳолатни қуйида келтирилган маълумотлардан кўриш мумкин. Ўзмиллийбанк терминаллари орқали савдо-сервис корхоналарида пластик карточкалар бўйича амалга оширилган нақд пулсиз тўловлар ҳажми шу йилнинг 5 ойи мобайнида деярли 40 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса, Республика бўйича нақд пулсиз оборотлар умумий ҳажмининг учдан бир қисмига тенг ва ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан деярли 2 баравар кўпдир.

Кейинги йилларда сўм пластик карточка эгалари сони анча ортиши натижасида савдо-сервис корхоналарида пластик карточкалар бўйича бажарилган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва уларнинг операциялар умумий ҳажмидаги улуши кўпайганига қарамай, карточка ҳисобварақларидаги қолдиқлар ҳажми барқарор кўпайди. Шу йил 1 июндаги ҳолатга кўра, «Сўм карточка» омонатларидаги маблағлар қолдиғи 21,8 млрд. сўмдан ошиб кетди. Ҳолбуки, ўтган йилнинг шу санасида мазкур кўрсаткич ҳозиргидан 7,3 млрд. сўм кам, яъни 14,5 млрд. сўм эди.

Банк пластик карточка эгаларига тақдим этилаётган хизматлар доирасини доимий равишда кенгайтира бориб, 2006 йилнинг охирида ўз мижозларига янги маҳсулот — иш ҳақи лойиҳалари доирасида чиқариладиган кредит овердрафт карталарини таклиф қилди. Бу карточкалар мижоз оладиган даромадга қараб, унинг ўзи томонидан белгиланувчи лимит доирасида маблағлардан фойдаланиш имконини беради.

Бу хизмат тури яқинда жорий этилганига қарамай, у иш ҳақи лойиҳаларининг иштирокчилари орасида жуда оммалашди. Булар, хусусан «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» АЖ (Андижон вилояти), «Пахтасаноат» АЖ (Хоразм вилояти), Навоий кон-металлургия комбинати (Навоий вилояти), «DINUR PHARMACEUTICAL» ҚК (Қорақалпоғистон Республикаси), «Оқиу Талим Таминат» (Қорақалпоғистон Республикаси), «Қўнғирот дистан пути» (Қорақалпоғистон Республикаси), «Водийгазтаъминот» АЖ (Фарғона вилояти), «ФарғонаАЗОТ» АЖ (Фарғона вилояти), «Бувайда РЭС» (Фарғона вилояти), «Ўзбеккўмир» ОАЖ (Ангрен ш.), Ангрен иссиқлик электр станцияси (Ангрен ш.) ва бошқалардир. 2007 йил давомида овердрафт карточкалари бўйича берилган кредитлар суммаси 3 млрд. сўмдан ошди, шу йилнинг беш ойи мобайнида эса, деярли 2 млрд. сўм кредит берилди. Кредитлашнинг ҳар қандай турида муайян хатар бўлишини эътиборга олиб, овердрафт ҳозирча фақат иш ҳақи лойиҳалари доирасида берилмоқда. Овердрафт карточкаларини чиқариш дастури банк ишлаб чиққан жисмоний шахсларнинг микропроцессорли сўм карточкалари бўйича овердрафт бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ амал қилаяпти.

Мазкур хизматнинг потенциал истеъмолчилари доирасини аниқлагач, банк овердрафтнинг ҳар бири 1 йил муддатга бериладиган тўртта табақалаштирилган схемасини ишлаб чиқди ва амалий ишда фойдаланмоқда. Маблағлардан мақсадли фойдаланишни талаб қилмайдиган бундай кредитлар истеъмолчига кредит миқдорини ва уни сўндириш шартларини танлаш имконини беради. Банк билан овердрафт шартномаси тузган сўм карточка эгаси ўзи истаган вақтда бу карточкага унинг учун белгиланган лимит доирасида кредит маблағларини тушириши мумкин.

Овердрафт кредитлари беришнинг ишлаб чиқилган схемалари фуқароларимизга маиший ва компьютер техникаси сотиб олиш ҳақидаги ўз орзуларини амалга ошириш, фарзандларини ўқитиш учун пул тўлаш билан боғлиқ ва бошқа ўткир масалаларни ҳал этиш имкониятини беради.

Ҳозирги вақтда Миллий банк кредит карточка маҳсулотлари рўйхатини кенгайтиришни режалаштираяпти ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда амал қилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлган кредит карталарини муомалага чиқариш масаласини ишлаб чиқмоқда. Бундай карточкалар чиқарилиши янги мижозларни жалб этиш ҳамда сўм карточкаларни аҳоли учун янада жозибалироқ қилиш имконини беради.

Пластик карточкадан фойдаланиб, коммунал хизматлар ҳақини тўлашнинг қулайлигини тушуниб етганлар учун Миллий банк мижозларнинг давомли ва бир марталик топшириқларини бажариш дастурини амалга оширди. Энди мижоз бир марта банкка келиб, ўз карточка ҳисобварағидан ўтказилиши керак бўлган тўловларнинг вақти, суммалари ва даврийлиги кўрсатилган буюртманомани тўлдириши кифоя. Шундан кейин маблағлар буюртманомада кўрсатилган олувчилар номига автоматик тарзда жўнатиб турилади.

Яқинда банк Email-банкинг ёки мижозларга масофадан туриб банк хизматлари кўрсатиш каби қўшимча хизматларни таклиф этди. Қарз ҳисобварағининг ҳолати ҳамда пластик карточка бўйича бажарилган ҳар қандай операциялар тўғрисидаги батафсил ахборот оператив тарзда карточка эгасининг электрон почта манзилига юборилади. Ўз «ҳамён»ини назорат қилишга одатланган одамларга карточка ҳисобварағининг баланси тўғрисидаги маълумотларни ўзининг шахсий компьютери орқали олиш имконияти берилди. Шу хизмат билан бирга, Миллий банк томонидан жорий йилнинг иккинчи ярмида мижозлар учун навбатдаги янгилик — жорий операцияларни кузатиб боришгина эмас, айни пайтда ўз карточкасига маблағларни тушириш, терминал картасини инкассация қилиш, уйда ёки офисда ўрнатилган ўз шахсий компьютери орқали реал вақт режимида товарлар ва хизматлар ҳақини тўлаш операцияларини бажариш имконияти тайёрланяпти.

Яқин вақт ичида шаҳар кўчаларида ўзига ўзи хизмат кўрсатиш қурилмалари орқали пластик карточкадан тўловларни қабул қилувчи ахборот киосклари пайдо бўлади. Энди карточка эгасининг бу карточкадан фойдаланиш вақти чегаралланмайди, у банк ходимига боғланиб қолмайди — киосклар кечакундуз ишлайди ва хоҳ коммунал хизматлар, хоҳ уяли алоқа, интернет хизмати, IP-телефония, истеъмол кредитлари, шаҳар телефони, шаҳарларароро ва халқаро музокаралар, кабелли телевидение хизматлари учун бўлсин, ҳар қандай тўловни мустақил равишда амалга ошириш мумкин бўлади. Шунингдек, фойдаланувчи ўзининг ҳисобварақлари, банк, тарифлар тўғрисидаги ва бошқа маълумотларни олиш имкониятидан фойдаланиши мумкин.

Жаҳон иқтисодиёти ва ҳозирги жамият тез суръатлар билан глобал электрон инфратузилма қуришга ҳаракат қиляпти. Буни яхши англаган банк маҳсулот ва хизматларни ривожлантириш, бунда улардан чет давлатларда ҳам фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш стратегиясини режалаштирмоқда.

Пластик карточка — бу, модага интилиш ёки 80-йилларнинг бошларидаёқ уларни фаол жорий эта бошлаган Ғарб давлатларига тақлид қилиш эмас. Бу — қулай, амалий ва ишончли тўлов воситаси бўлиб, ундан кенг кўламда фойдаланилиши, бир томондан нақд пул массаси ҳажмини камайтириш ҳамда уни сақлаш учун қилинадиган умумдавлат харажатларини қисқартириш нуқтаи назаридан — давлат учун, ўзига ғоят керакли бир қанча хизматлардан фойдаланиш нуқтаи назаридан — мижоз учун манфаатлидир.

t

XORIJDA

ЯҚИН ШАРҚ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Иордания қироли Абдулла Иккинчи Миср президенти Ҳусни Муборак билан Шармаш-Шайх курортида учрашди. Рейтер хабарига кўра, раҳбарлар Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш бўйича музокара олиб борган. Жумладан, ўтган йили ҲАМАС тарафдорлари Ғазо минтақасида содир этган ҳарбий тўнтариш оқибатларини бартараф этиш ҳамда Фаластин-Исроил музокаралари натижалари кўриб чиқилган.

УЛАН БАТОРДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Сешанба куни Улан Баторда содир этилган оммавий тартибсизликдан сўнг Мўғулистонда вазият барқарор тус олиши керак, деди россиялик мутахассис Михаил Маргелов. РИА Новости хабарига кўра, мухолифат фаоллари ўтган якшанба куни бўлиб ўтган парламент сайловининг натижаларини қайта кўриб чиқишни талаб қилган. Оммавий тартибсизликлар оқибатида беш киши ҳалок бўлиб, 300 нафардан ортиқ одам жароҳатланган.

Россиялик мутахассис Мўғулистон пойтахтидаги оммавий тартибсизлик сайловда иккинчи ўринни олган ғарбпараст Демократик партия томонидан ташкил этилганини қайд этган. Халқаро кузатувчиларнинг фикрича, сайловда ҳеч қандай қонунбузарлик юз бермаган. Демократик партия, дейди россиялик мутахассис, олдиндан тайёрланган сценарий асосида «рангли инқилоб» содир этиб, амалдаги қонуний ҳукуматни четлатиш учун шундай йўл тутган.

ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ИШЛАЙДИ

Жанубий Африка Республикасида яшовчи ихтирочи Жай Редди гирокоптер (вертолётсимон транспорт воситаси) яратди. Маълумотларга кўра, бу машина қуёш энергияси билан ишлайди ва атроф-муҳитга зарар етказмайди.

Жай Реддининг сўзларига кўра, гирокоптер саккиз ойдан сўнг, синовлар батамом якунига етгач, ишга туширилади.

ЁНИЛҒИ НАРХИ ОШМОҚДА

РАТА-ТАССнинг хабар беришича, АҚШда автомобиль ёнилғисининг нархи кун сайин ошиб бормоқда. Айни вақтда энг паст сифатли бир галлон (3,78 литрга тенг) бензиннинг ўртача баҳоси 4,079 АҚШ долларига етди. Ўтган ҳафта мамлакатнинг йигирма беш штатида бензин нархи тўрт доллардан зиёдни ташкил этган бўлса, айни вақтда бундай штатларнинг сони ўттиз иккитага етди.

Мамлакат автомобилчилар уюшмасининг маълумотларига қараганда, жорий йилда бензин нархи 2007 йилдагига нисбатан ўттиз беш фоиз ошган.

АСАР 2,5 МИЛЛИОН ЕВРОГА СОТИЛДИ

Парижнинг «Друо» ва «Клод Агют» савдо уйларида россиялик рассом Василий Кандинский қаламига мансуб «Экспансия» ҳамда «Атиргуллар, Буви ва набира» асарлари 2,5 миллион еврога сотилди. Маълумотларга қараганда, икки расм ҳам турли ранг ва шаклларнинг аралашмаси – учбурчак, тўртбурчак ва айланалардан иборат. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, уларни яратишда «расм узра бўёқ тортмоқ» усулидан фойдаланилган.

Хабарларга кўра, бундан аввал энг қиммат асар – британиялик рассом Фрэнсис Бэконнинг (1909-1992) «Ўтирган аёл» асари 2007 йилда 13,7 миллион еврога баҳоланган.

153 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР ЗАРАР КЕЛТИРДИ

Хитойнинг Сичуань музофотида юз берган зилзила келтирган зарар бир триллион бан(153 миллиард доллар) деб баҳоланмоқда. People's Daily газетасининг ёзишича, музофот раҳбарияти бу рақамни АҚШ делегациясининг ҳудудга ташрифи вақтида айтган. Эслатиб ўтамиз, 12 май куни Сичуанда юз берган зилзила келтирган зарар мамлакат ҳукумати томонидан 9,5 миллиард доллар деб баҳоланаётган эди. Зилзила Рихтер шкаласи бўйича 7,9 баллга тенг бўлган. Табиий офат натижасида 71 минг киши ҳаётдан кўз юмган. 10 миллиондан ортиқ аҳоли бошпанасиз қолган.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ПАЙАРИҚ ТУМАНИ «ЧЕЛАК ПАХТА ЗАВОДИ» ОАЖ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Пайариқ тумани «Челак пахта заводи»ни модернизация қилиш.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — **3 ой.**

Қурилиш ишлари «Пахтасаноат» ХАБнинг хусусий маблағлари ва банкдан олинадиган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Пайариқ тумани, Челак шаҳри, ***телефон:*** (8-366) 233-30-76.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: **Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 50-уйда соат 10.00 да «Пахтасаноат» ХАБ биносида ўтказилади.

Китоб тақдимоти

«ҚАЙТМОҚ УЧУН КЕТМОҚДАМАН»

Гулистон Матяқубова Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, таниқли ижодкор, шоира. Унинг шеърий ва насрий асарлари ўзбек ва қорақалпоқ китобхонлари томонидан илиқ кутиб олинган.

Яқинда Бердақ номли университетда Қорақалпоғистон халқ шоираси Гулистон Матяқубованинг «Қайтмоқ учун кетмоқдаман» деб номланган янги китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоқ давлат университети, Нукус давлат педагогика институти профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилари, маданият ва санъат арбоблари иштирок этишди.

— Шоира юраги она халқининг қалби билан ҳамоҳанг уради, — дейди филология фанлари номзоди Файзулла Салоев. — Унинг ижодида Ватан мавзуси алоҳида ўрин тутади, она юртни ардоқлаб, улуғлайди. Шеърларида истиқлол нуридан баҳра олаётган халқнинг шукроналик туйғулари юқори пардаларда куйланади.

Шоиранинг 20 дан кўпроқ китоблари чоп этилган. Тақдимоти ўтказилаётган «Қайтмоқ учун кетмоқдаман» китобига унинг сўнгги йиллардаги энг сара асарлари киритилган.

Шунингдек, учрашувда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов, шоира Гулистон Шомуротова, филология фанлари доктори, профессор Каримбой Қурамбоев, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси Атаулла Асановлар сўзга чиқиб, Гулистон Матякубованинг ижодий фаолияти, ЎзХДП фаоли ҳамда депутат сифатидаги ибратли ишлари ҳақида тўхталишди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

КАЛАВАНИНГ УЧИ БОР, ОХИРИ-ЧИ?

уни ким, қачон топади?

Термиз катта шаҳар. Сурхондарё вилоят маркази. Бироқ унда атиги битта буюм бозори бор. У ҳам бўлса, тор. Бир қарич ҳам бўш жой қолмаган. Тижорат билан шуғулланишни ният қилиб юрганлар эса кўп.

Термиз шаҳар ҳокими Э.Амонов томонидан 2006 йил 1 августда «Шаҳарнинг Ш.Рашидов кўчаси ёқасидан янги буюм бозори қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида» 627-қарори кўпчиликни қувонтирди. Йиллар давомида бозорда ўз дўконига эга бўлишни орзу қилиб юрган юзлаб фуқаролар ҳокимликка янги бозор ҳудудидан ер майдони ажратишни сўраб, мурожаат қила бошлашди. Аммо мутасаддилар уларнинг илтимосларини қаноатлантиришни узоқ пайсалга солишди.

Ниҳоят, худди шу масалада 2007 йил 11 майда Термиз шаҳар ҳокими томонидан иккинчи қарор чиқарилди. Унда, жумладан, қуйидагилар қайд этилган: **«Бозор муносабатларини тартибга солиш юзасидан Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қарорларни ҳамда вилоят ҳокими томонидан қабул қилинган 2006 йил 3 июлдаги 106-сонли қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан шаҳар ҳудудида жойлашган бозорлар фаолиятини тартибга олиш мақсадида ҳамда шаҳар ҳокимияти қошидаги ер майдони танлаш ва ажратиш ишлари билан шуғулланувчи комиссия томонидан тақдим этилган 2006 йил 18 июлдаги далолатномани кўриб чиқиб,**

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шаҳар ҳокимияти қошидаги ер майдони танлаш ва ажратиш ишлари билан шуғулланувчи комиссия томонидан тақдим этилган 2006 йил 18 июлдаги далолатнома тасдиқлансин.

2. Шаҳарнинг Ш.Рашидов кўчаси ёқасида жойлашган... 3,9 га. ер майдони буюм бозори қурилиши учун ажратилсин...

4. ... Ушбу ер майдонида буюм бозори қурилишининг жойлашув ўрни ва савдо дўконлари 354 та бўлиб, бош лойиҳачи «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ОАЖ институти билан келишилганлиги инобатга олинсин...»

Мазкур ҳужжат тез орада вилоят ҳокимининг 111-қарори билан тасдиқланди. «Термиз шимолий дарвоза» улгуржи чакана буюм бозори очиқ акционерлик жамияти ташкил этилди.

Ҳокимликка бўзчининг мокисидек қатнаб юрган тадбиркорларнинг суюнганини кўрсангиз эди. Ўзларини қўярга жой топиша олмасди.

«Ер олишнинг биринчи шарти шуки, «Термиз шимолий дарвоза» жамиятининг акцияларини сотиб оласизлар. Жамиятга акциядор-аъзо бўлишларингиз шарт», дейишди.

«Хўп, бўлади», деди талабгорлар. Ҳеч ким пулни аямади. Саноқли кунлар ичида 350 нафар киши эркин савдога чиқарилган 500 миллион сўмлик акцияни сотиб олишди.

Бозор акциядорларига ер ажратиб берилди.

«Хўш, энди иккинчи шарт шуки, биз айтган қурилиш ташкилотлари билан шартнома тузиб, тезда ишни бошлайсизлар. Дўконлар байрамга қадар қуриб битказилиши керак!»

«Хўп бўлади», дея жавоб қайтаришди яна тадбиркорлар. Урҳур, қурилиш бошланиб кетди.

Жамият биринчи навбатда ўзига маъмурий бино қуришга киришди. Қисқа муддат ичида ҳашаматли иморат қад ростлади. Кейин сув қудуғи кавланди. Қисқаси, ҳаш-паш дегунча акциядорларнинг 300 миллион сўми сарфлаб юборилди.

Акциядорлар ҳам қурилиш ташкилотлари билан бир неча юз миллион сўмга шартнома тузиб, белгиланган нархнинг 50 фоизини олдиндан тўлашди. Шундан сўнг бунёдкорлар енг шимариб, бозорда турғун савдо шохобчалари қурилишини бошлаб юборишди. Ўнлаб дўконларнинг девори тикланди. Ана шундай бир пайтда, собиқ вилоят ҳокими томонидан томдан тараша тушгандек, 2007 йил 4 сентябрдаги 136-қарор билан аввал шахсан ўзи имзо чеккан 111-қарор бекор қилинди.

Бозор ҳудудидаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари тақатақ тўхтатилди. Ҳаммаёқ ҳувуллаб қолди. Акциядорларнинг боши қотган. Нима қилишни билишмайди.

Энди ҳақли савол туғилади. Термиз шаҳри ва вилоятнинг собиқ ҳокимлари асоссиз қарор қабул қилган бўлса, бунда фуқароларнинг нима айби бор? Нега уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракати учун юзлаб одамлар ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўриши керак?

Номи бору ўзи йўқ бозор акциядорлари сарфлаган маблағлар тақдири нима бўлади? Бу саволларга жавобни акциядорлар қачон олишади?

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 649
8077 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.30
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda

Кураш

«БОСФОР-2008» ХАЛҚАРО ТУРНИРИДА

дунёнинг ўндан ортиқ давлати полвонлари ғолиблик учун гиламга чиқди

Истанбул (Туркия)да кураш бўйича анъанавий «Босфор-2008» халқаро турнири бўлиб ўтди. Олтинчи маротаба ўтказилган мазкур мусобақада Греция, Озарбойжон, Ўзбекистон, Украина, Венгрия, Эрон, Ироқ сингари ўндан зиёд давлатларнинг курашчилари ғолиблик учун беллашдилар.

Аёллар ўртасида ўз вазн тоифаларида Самат Айнур (52 кг.), Сулбие Демиралай (63 кг.) ҳамда Назми Йилмаз (мутлақ, барчаси Туркиядан)лар шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, эркаклар ўртасида Олим Равшанов (66 кг., Ўзбекистон), Гасеминез Ҳамид (81 кг., Эрон), Руслан Алиев (90 кг.) ва Ферит Бабаев (мутлақ, иккаласи ҳам Озарбойжон)лар турнирнинг бош совринларини қўлга киритишди.

Эркин ХОЛБОБО

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ЎзР ИИВ ЖИЭББ Қашқадарё вилояти ИИБ жазони ижро этиш бўлими УЯ-64/49 ЖИЭК

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

- Қарши шаҳар 64/49, 64/33, 64/61 УЯга элтувчи юқори босимли газ қувури тортиш.

Иншоотнинг бошланғич баҳоси (ҚҚС билан) — *314.913.202 сўм.*

Иншоотни тугаллаш муддати — *20 кун.*

Буюртмачи — ЎзР ИИВ ЖИЭББ Қашқадарё вилояти ИИБ жазони ижро этиш бўлими УЯ-64/49 ЖИЭК.

Манзили: — Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга.

- етарли касбий ва техникавий малакага;
- иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги;
- молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига;
- шартнома (контракт) тузишга лаёқатли;
- юқори босимли газ қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсат берувчи лицензияга эга бўлиши;
- юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатлар сотиб олиш учун талабнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган Қашқадарё вилояти капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел/факс: (8-375) 223-10-63, 223-19-14.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин «Ташкилотчи» биносида ўтказилади.

ЎҚУВ-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

«Ўзбекистон темир йўллари» компаниясига қарашли «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасида фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ўқув машғулотлари бўлиб ўтди. Унда СЭС вакиллари, алоқа, электр, газ, сув ва оқава сув тармоқлари авария хизматлари ходимлари, қутқариш гуруҳлари қатнашди.

Машғулотларда иштирокчиларнинг фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш борасидаги назарий билим ва кўникмаларини оширишга эътибор қаратилди. Шунингдек, бундай вазиятларда аҳолини қутқаришга оид амалий усуллар намойиш этилди.

Суратда: ўқув машғулотидан лавҳа.

М.АМИН (ЎзА) олган сурат.

Спорт

Андижон вилоятининг Пойтуғ шаҳрида муайтай бўйича навбатдаги Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Тўрт кун давом этган баҳсларда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ташриф буюрган 120 нафар спортчи ғолиблик учун ринга чиқди.

КУЧЛИЛАР ПОЙТУҒДА АНИҚЛАНДИ

Ўн уч вазн тоифасида ўтказилган мусобақа якунида Шерзод Соттилов (45 кг., Андижон), Убайдулло Каримов (48 кг., Самарқанд), Даврон Эшонхўжаев (51 кг.), Ҳамдам Азимов (54 кг.), Шерзод Шарипов (57 кг.), барчаси Тошкентдан), Фирдавс Холмуродов (60 кг.), Шоҳруҳ Абдувосиев (63,5 кг., Самарқанд), Азиз Назаров (67 кг., Андижон), Артур Қодирқулов (71 кг.), Хайрулло Асатуллоев (75 кг., Самарқанд), Вадим Юсупов (81 кг., Тошкент), Акром Шарипов (86 кг.) ҳамда Юсуф Ибрагимов (+91 кг., Самарқанд)лар олтин медаллар билан тақдирландилар.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

АМУ-БУХОРО ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

Лот №2:

«Шимолий Шофиркон» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (II босқич).

«Жилвон» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (II босқич).

«Нақиб» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (II босқич).

«Т-9» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (II босқич).

«Параллел» зовурини тизимли таъмирлаш ва тиклаш (II босқич).

Қурилиш ишларини бажариш муддати — **3 ой.**

Қурилиш ишлари Республика мелиорация фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, Ширбудин кўчаси, 4-муюлиш, 24-бино, **телефон:** 225-36-22, 225-36-33

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда камида уч йиллик ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи захираларига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18 хона.
Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — олтмиш минг сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Самарқанд шаҳридаги «Дельфин» сузиш сув ҳавзасини капитал таъмирлаш.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — **2 ой.**

Қурилиш ишлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили:
Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй,
телефон: (8-366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.
Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона.
Тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: ***Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида*** соат 15.00 да Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.